ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1055-1061

ДАҲОЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР РИВОЖИ

Ғолибжон Набижонович Фозилов
Ўзбекистон Миллий университети мустақил тадқиқотчиси
sv997710@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу маколада фалсафа илмининг муҳим масалаларидан бири бўлган-даҳолик ва уинг аҳамияти уни шаклланишига таъсир этувчи омиллар, ижтимоий-психологик механизмлар таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада муаллифнинг шачсий нуқтаи назарлари ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: даҳо, қобилят, истеьдод, ривожланиш, изланиш, телбалик, касаллик, руҳий толиқиш, интилиш.

THE DEVELOPMENT OF GENIUS IDEAS

ABSTRACT

This article analyzes the factors and socio-psychological mechanisms that influence the formation of genius and its importance, which is one of the most important issues of philosophical science. The article also cites the author’s personal views.

Keywords: genius, ability, talent, development, research, madness, illness, mental fatigue, aspiration.

КИРИШ

Даҳо – дунёнинг ривожлантирувчи, илм-фан инқилобчиси, инсон учун барқарор фаровон хаётни туфха қилишга қодир бўлган фавқулодда тафаккур сохиби ҳисобланади. У ўзгармас қарашлар, ғоялар ва мафкураларни ижобий тусга кирита олади ёки буткул парчалейди. У барча тамаддумларнинг мураббийсидир.

Даҳолик, аввало, интелектуал ёки ижодий фаолиятининг энг юқори даражаси хисобланади. Бу уларнинг ажойиб илмий кашфиётлар, ижтимоий-фалсафий ғоялар, техник ва технологик ихтиролар, ноёб адабиёт ва санъат асарлари яратишда намоён бўдади[1].

Даҳо ақл-идрок, тезкор фикр юритиш қобиляти ва кучли ирода фазилатларига эга бўлади. Унинг ҳар бир изланиш ва ҳаракатлари маҳсули

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1055-1061

инсоният тараққиётига самарали, ижобий таъсир этиб, фан этоси қоидаларида янги саҳифаларни яратади.

Қадимги Рим мифалогиясида “илҳом, истеъдод” каби сўзлар маънолари даҳо термини билан боғланган; хусусан Октавиан Август даврида ўта нодир фазилатли, кўплаб ютуқларга эришган, туғма қобилят сохибларига нисбатан қўлланила бошлаган. Афлотун даҳо - худолар ва одамлар ўртасидаги воситачилардир деган. Улар бевосита худоларнинг “ички овоз” орқали сўзларини эшитиб ёки тушида аён бўлган топшириқларни одамларга етказган. Шунингдек, уларни сўз санъатининг эгалари, мастона шоирлар ҳам деб аташган. Оддий объектнинг шеърда жуда гўзал ва улуғвор қилиб тарифлашганига – даҳолар учун берилган мабудлар иноми деб билишган[2].

Вақтлар ўтгани сари илоҳий даҳолар сафига амалий санъат вакилларини киргизишибб, уларни улуғлаш бошланади. Ҳайкалтарош, рассом, тош йўнувчи, дурадгор ва сўз усталаридан нотиқ, ёзувчи, қўшиқчи, созанда ҳамда саркарда ва қурувчилар орасидан энг маҳоратлиларини даҳо даражасига олиб чиқишган.

Бироқ, черковнинг босими сусайиши ва зарбли маданиятлар тўқнашуви содир бўлмагунча XIX асргача даҳолик назарияларини алоҳида тадқиқ этишга хеч ким жазм этмади. Фақатқина И.Кантдан бошлаб ўта истеъдодли ва қобилятли одамларни даҳолар деб тарифлаши, илк “даҳолик” ғоялари ҳақида бош қотира бошлашган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Даҳолик назариялари бўйича XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб бориб, самарали натижаларга эришишди ва мураккаб асарларни китоб холида чоп этишди. Улар ёзиб қолдирган кўрсатма, услубий қўлланма ва методлардан фойдаланиб, бугунги кунга қадар янги давр тамаддуни учун қобилятли авлод тарбияланиб келинмоқда. Ўз даврининг энг машҳур олимлари Ф.Галтон, Ч.Ломброзо, М.Нордау, В.Эфроемсон, М.Арнаудов, А.Адлер, З.Фрейд ва Р.Делтиларнинг даҳолик феноменини синчковлик билан тадқиқ этишган ва уларни жамоатчиликка кенг ёритишган.

Даҳолик назариясининг ривожланиши ҳақида Оствальд Шпенглер шундай деб ёзган эди “вақтлар ўтгани сари келажакда даҳоликга олиб борувчи йўллар очилади ва ҳар қандай жумбоқ бўлиб келган долзарб масалалар ишғол этилади”[3].

Шу ўринда, XIX асрнинг ўрталарини даҳолик феномени ҳақида қарашларнинг “уйғониш даври” бўлди десак, янглишмаган бўламиз. Айни шу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1055-1061

даврдан бошлаб европалик олимлар даҳоликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида бош қотирганлар. Уларнинг қарашлари даҳолик ҳақидаги эски назариялардан бутунлай фарқ қилгани ҳолда янги концептуал ёндошувларни ўз ичига олган. Жумладан, даҳолик табиат иноми деган қарашлар ҳақидаги назарияни илгари сурган олим Ф.Галтон ҳисобланади. У туғма қобилиятлар ҳақидаги янгича мазмундаги қарашларнинг асосчиларидан бири бўлиб, у 1865 йил ғоятда қизиқ ва кенг хажмли “Ирсий авлоддан-авлодга ўтувчи қобилият ва характер” номли мақоласини эълон қилган.

Мазкур мақолада асосан ирсий ўтувчи қобилиятлар ҳақида фикр юритилган ва булар ўз даврида кўпгина соҳа мутахассислари томонидан илиқ кутиб олинган. 1869 йилдан бошлаб Галтон шогирдлари томонидан “Ирсий ўтувчи даҳолик қонунияти ва натижалари” деб номланган китоб чоп этилган. Бу асар орқали Галтон машҳур олимлар, давлат арбоблари, спрортчи, сиёсатчи, кучли ҳарбий, санъаткорлар ва бошқа соҳаларнинг кучли қобилият эгаларини психогенитек жиҳатдан шажарасини ўрганишга ҳаракат қилган.

У, даҳоларнинг авлоди турли хил тоифаларга бўлгани ҳолда ўз назариясини яратган, тадқиқотлари орқали баъзи қобилиятли инсонларнинг буюк саркарда ва алломалар изидан боришини, яна бошқалари эса, телбанамо даҳолар йўлидан юришини аниқлаган. Мазкур тадқиқотида орқали олим 300 га яқин даҳолар шажарасини таҳлил қилиб чиқади. Оилаларга бўлиб ўрганганда эса, 1000 та кучли қобилият эгаларидан 415 та энг машҳур даҳо келиб чиқанини аниқлайди. Шунинг учун Галтон “Модомики даҳолар оиласи алоҳида шажарага бўлиб ўрганиш қонунинияти борлигига эътибор қаратсак авлодлар орасида муносиб истеъдодларни топиш мумкин”[4] деган эди.

Статистикага кўра олимларни изланишлари масалани аниқ бир ўлчамлардагина чуқур ўрганиб чиқса бўладидеб таъкидлайди [5]. Бундан даҳолар шажарасини тақсимлаш орқали ўрганиш унинг асосий қонуниятини аниқлашга ёрдам беради, деб ҳисоблаш мумкин.

Галтон фикрича, даҳолик лаёқати табиий танланиш йўли орқали намоён бўлибгина қолмасдан, ҳар бир инсонга меҳнатига яраша шуҳрат олиб келади. Олимнинг ҳисоб-китобига қараганда,Ч.Дарвиннинг эволюция назариясидаги табиий танланиш механизимини жамиятнинг энг кучлилари сараланиб зарур ишчи механизмга айланишида кўриш мумкин деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам Галтон даҳолик қобилиятли инсонлар ўртасида тузилган никоҳнинг маҳсули, деган хулосага ҳам келади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1055-1061

Италиялик руҳшунос олим Чезари Ломброзо 1892 йили даҳолар ҳаётини тадқиқ этиб “Даҳолик ва телбалик” деб номланган асарини чоп эттирган. Олимнинг такидлашича, телбалик инсоннинг муайян соҳадаги қобилятларининг ривожи ва камол топишига сабабчи бўлади. Унда кечадиган кучли руҳий жараён тафаккурини чархлашга замин яратади, деб хисоблайди.

Руҳшунос Ломброзо бир неча бор гувоҳи бўладики аутизм синдроми билан оғриган беморлар ўта кучли ақл-идрок ва ноёб қобилят эгалари бўлиб, уларнинг ҳатти-ҳаракатларида олимларга хос изланувчанлик ва новаторлик характери гавдаланади. Бундан чуқур таъсирланиб, ўзи “телба олимлар” деб атайдиган аутист беморлар билан шуғулланишни бошлайди.

Шунингдек, Ломброзо баъзи олимларнинг яшаш тарзи телбаларча бўлишини кузатган холда, улар ижоди ва ҳаёт фаолиятини тадбиқ этишга киришади. Д.Гаррингтон, М.Болиан, Д.Кодацци, А.Ампер, К.Кент, Р.Шуман, Т.Тассо, Ж.Кардано, Ж.Свифт, И.Ньютон, Ж.Руссо, П.Лерау, Ф.Шехени ва А.Шопенгауэр олимларнинг ҳаёти ва ижоди, шулар жумласидандир.

Ломброзо юқорида номлари келтирилган олимларда кузатилган ирроционал ҳаракатларнинг илмий ижод билан шуғулланиши учун қай даражада роль ўйнагани, тушунарсиз ҳаёт тарзида яшашса ҳам “портлаш эфекти”га бой ғояларни илгари суришига сабаб бўлганини исботлашга уринган.

Аксарият ҳолларда даҳоликнинг келиб чиқиш назариялари жуда кўп ва айнан шу сабабдан улар даҳо бўлиб етишадилар, деб ҳисоблашади. Олимлар уни тадқиқ этган ҳолда бири-иккинчисини бойитади ёки мутлақо тескариси бўлади. Уни қисқа ҳолда санаб ўтаман.

- даҳолар ирсий бузилишда ген орқали туғма қобилятлар билан дунёга келишади,
- хаётнинг барча ташвишларини эсдан чиқарган холда мунтазам бир соҳа билан шуғулланишга, муккасидан кетиш,
- илҳом, руҳнинг таъсири,
- аутист синдроми,
- шизофрения касаллиги,
- биполиярному касаллиги,
- падагра касаллиги,
- психоз даври,
- ўта кучли шахвоний хирсларга берилувчанлик,
- авлоддан авлодга ўтувчи ген мавжудлиги,
- генда барча билимларнинг мавжуд бўлиши,
- ижтимоий муҳит, талим тарбия,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1055-1061

- яратган томонидан танланиш,
- дуоларнинг ижобат бўлиши,
- табий офатлар ва фалокатлар натижасида магнит майдоннинг инсон миясига таъсири,
- қуюш тожлари ва ундаги катта портлашлардан таралган нурнинг инсонга таъсири,
- олий мақсад сари қўйилган дадил қадамлар, кучли ирода ва бошқалар.

Ҳамманинг ҳам даҳо бўлиши ҳолати чекланган лекин фаровон ҳаёт кечириш учун оз бўлсада унинг илмини ўрганса бўлади, деб ҳисоблайдиган олимлар ҳам бор. Улар таълим жараёнида махсус дастурлар, қўлланмалар ва ўзига хос дарс ўтиш услублари ишлаб чиқиши, янгича мактабларга асос солишган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Америка Қўшма Штатларида яшовчи Анжела Майерс 25 ёшда олий таълимни тугатган, боғчада, мактабда ва хатто округда етакчи бўлган, у таълим беришга қобилятлилиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб турган. Анжела жуда кучли масалаларнинг асосий ғоясини нихоятда изчиллик билан ишлаб чиқади ва уни тарғиб этади.

Анжеланинг муалифлигида Синфда ўрганиш ва Синфда муҳаббат билан юриш деб номланган китоблари чоп этилган. Анжела асосчи аёл ижтимой ҳаракатнинг ўсишини ва жамоанинг иш билан банд бўлишида таълим билан ҳаётни узвий боғлаш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Анжела Майерснинг 2016 йилдаги “Даҳолик ҳақидаги қарашлар: афсоналарни тартибга солиш ва қайта тузиш” деб номланган асари чоп этилди. Унда олима ўз тадқиқотларига кўра ёш даҳоларни тарбиялаш, уларнинг ноёб қобилятларини юзага чиқариш ва ижодкорлик иқтидорини такомиллаштириш учун янги дастур ишлаб чиқди. Ушбу дастурни амалга ошириш учун эса, “Даҳолик вақти” деб номланган иқтидорли болалар мактабига асос солди.

Тасаввур қилинг сиз синфда қачондир даҳоларга хос ихтиёрий равишда бирор-бир ишни завқ, иштиёқ ва ўта аниқлик билан аъло даражада қилмоқдасиз. Ўқитувчи сизга ноёб қобилятинингзни юзага чиқаришингизни таклиф қилмоқда. Мазкур китобда қуйидагича жумла “Сиз ўзингизда даҳоликни кашф этинг ва порлоқ келажагингизга ёрдам беринг, шунда, ўз афсонингиз содир бўлишини кутиб қоласиз” китобхонни истеъдодини номоён этишига дават этади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1055-1061

Ўқувчилар қизиқарли “Даҳолар соатида” дастурида янгича методларга бой лойиҳаларни ўқитувчилари билан биргаликда амалга оширишади. Даҳолик вақти мактабида ўқитувчи, ўқувчиларни ўзаро мислсиз даражада боғлайди ва таълим олишида самара беради. Таълим даргоҳлари эса фуқароларга кенг ёрдам беради ва уни ўзига бир жамоа қилиб боғлайди. Бутун дунёда даҳоларни тарбиялаб, ўзгартирса бўлади. Сиз даҳоликга бугундан қўшилининг, уни синчковлик ва қизиқувчанлик билан очинг, дейди муаллиф[6].

Даҳолик назариялари бўйича кўплаб, олимлар тадқиқотлар олиб бориб, мураккаб асарларни китоб холида чоп эттиришган. Улар ёзиб қолдирган кўрсатма, услубий қўлланма ва методлардан фойдаланиб янги давр тамаддуни учун қобилятли авлод тарбияланиб келинмоқда. Даҳолик назарияси тадқиқодчилари асосан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туришини кўрсатиб ўтганлар:

- Туғма ижодий қобилят,
- Ижодда ноананавий, самарали ва жозибали янгиликни олиб кира олиш;
- тадқиқотга янги ва кутилмаган ёндашувни қўллаш;
- ҳар қандай фаолиятда юқори тезкорлик ва меҳнат унумдорлигига амал қилиш;
- Илгари номалум бўлган янги йўналишларни очиш;
- Соҳада янги интиллектуал инқилобий натежаларга эришиш;

Ислом оламида даҳолар деб пайғамбарлар, азиз авлиёлар, тариқат йўлини маҳкам ушлаган суфийлар, шайх даражасига кўтарилган олимлар ва мавлоноларга айтилади.

Аслида пайғамбарлик даҳолик тушунчасидан анча юқори туради. Даҳолар бир умр яшаб, ҳаёт мазмунини англаб етмасликлари мумкин, лекин пайғамбарлар болаликданоқ борлиқнинг мазмунин-моҳиятини тўлиқ англаб ета олади. Улар бутун оламларни яратувчиси ёлғиз Аллоҳдан ва унинг буюук фаришtаси Жаброил а.с.дан таълим олишган.

ХУЛОСА

Биз даҳолар деб тариф берадиган genius ёки гениальность туғма қобилят, кучли рухий кечинмалар махсули ёки нуқсонли шахсларда кузатиладиган ноёб истеъдодга айтилади. Уларнинг орасида саноқли шахсларгина хаёт тарзи ибратли ва маромига етган деб айта оламиз.

Мавлонолик-бу хофизи қуръон ва барча фанларнинг чуқур билимдонига берилган илмий унвондир. Даҳолик эса муайян соҳага чуқур йўналтирилган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1055-1061

фаолият бўлади. Мавлонолар барча фанларни билимдони, тадқиқодчиси ва етук муаллимидир.

Мен мумтоз олимларимизни даҳо эмас, камолга етган алломалар дейишни тавсия этаман.

Ноёб тафаккур соҳиблари қарашларини ўрганиш ҳар доим ҳам долзарб масала бўлган. Даҳоликни тадқиқ этиб унинг сирларини очиш учун йўллар борган сари равонлашмоқда. Ҳозирда юртимизда ёш олимларга бериладиган имкониятлардан оқилоналик билан фойдаланган ҳолда соҳада бутунлай инқилоб ясайдига фавқулодда зеҳн эгалари етишиб чиқиши учун, уларнинг мамлакатимизни инновацион ривожланиши учун шароитлар мавжуд.

REFERENCES

1. Shaw Tamsin. Wonder boys?. New York Review. 2014. 15-бет.
2. S.Lambert, J.Frances. “genius” encyclopedie.hdl.handle.net. 2015.
3. А.Г.Данилин. Прорыв в гениальность. Масква. 2008. Вершина. 190 с.
4. Galton Francis.Hereditary genius. London. 2014. 2-page
5. Bulmer, Michael. "Galton's law of ancestral heredity". Heredity. London. 1998. 34-page
6. Angelia Maiers. Leberating Genius. 2016. https//:teacherspay.com